# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | **2017-YIL 12-yanvar, payshanba, № 05 (8712)-son** | **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**ҚАРОРИ**

# АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар республикада автомобиль транспортида йўловчилар ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;

йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;

автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммасига йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклансин, қуйидагилар агентликнинг қўшимча функциялари этиб белгилансин:

йўналишларда йўловчилар ташиш транспортида хизматлар кўрсатиш юзасидан намунавий контрактларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларда аҳолига сифатли ва хавфсиз автотранспорт хизматларини кафолатли таъминлаш учун оптимал шарт-шароитларни назарда тутиш;

йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, онлайн (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва «ишонч телефонлари» орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

ташувчилар томонидан йўналишларда хизмат кўрсатиш юзасидан лицензия талаблари ва шартларининг, контрактларнинг бажарилиши, йўловчилар ҳуқуқларига, белгиланган ҳаракатланиш жадвалларига, транспортда юриш тарифларига риоя этилиши, қонунчиликнинг, шу жумладан, санитария қоидаларининг бузилишлари ва хизмат кўрсатиш маданиятининг паст бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш.

3. 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

1-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил этишнинг мақсадли параметрлари;

2- ва 3-иловаларга мувофиқ 2017-2021 йилларда янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш параметрлари;

4-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш тадбирлари.

4. Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда:

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва параметрларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқилишини;

2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлкира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида ахборот киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда, енгил конструкциялардан ҳамда нархлари ва сифат кўрсаткичлари бўйича қулай бўлган, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган материаллардан (металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда автовокзаллар, автостанциялар ва йўналишлардаги тўхташ пунктларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

## ШАРҲ

Кейинги йилларда автомобиль транспорти соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилди, автотранспорт хизматларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари изчил бажарилмоқда.

Йўловчилар ташийдиган автомобиль транспортининг янги мунтазам йўналишлари ҳамма жойда очилмоқда, ҳозирги вақтда уларнинг сони 4,3 мингтадан ошди.

Фақат сўнгги 3 йилнинг ўзида, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 мингга яқин автобус ва 12 мингта енгил автомобиль фойдаланишга топширилди. Янги автовокзаллар ва автостанциялар барпо этилмоқда, эскилари реконструкция қилинмоқда.

Бироқ автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини, айниқса, қишлоқ жойларда такомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам фаоллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарур.

Қабул қилинган қарор айнан республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда автотранспорт хизматлари билан таъминлашни янада яхшилашга, йўловчилар ташиш хавфсизлигини оширишга қаратилган.

2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиш билан биргаликда, асосан автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади.

Келгуси 5 йилда 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.

Автостанциялар, тўхташ бекатлари енгил конструкциялардан ва асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган арзон материаллардан (металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилади.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишини масофадан онлайн режимида (GPS) доимий кузатишни;

2018 йилнинг 1 июль санасига қадар Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар транспортида йўл ҳақини банк пластик карточкасида нақд пулсиз тўлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига таркибий ва институционал ўзгартириш, хизматлар бозори шаклланиши ва ривожланишига ҳамда автомобилларда ташиш хавфсизлиги масалаларини ҳал қилиш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишини ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш юкланмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг аҳоли билан веб-сайт, "ишонч телефонлари" орқали мулоқотининг амалий механизми таъминланади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

БУНЁДКОРЛИК



Тохир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# БУХОРОДА ЯНГИ МАЖМУА

*Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасига қарашли янги мажмуа фойдаланишга топширилди.*

**Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари К.Арипов ва бошқалар мамлакатимизда турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали тизим яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонунлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Лойиҳа қиймати 4 миллиард сўм бўлган ушбу йирик мажмуа бир неча бино ва иншоотдан иборат. Бу ерда аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ҳам бўлиб, унда фуқаролар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид билимини мустаҳкамлаш, ўқув машғулотлари ўтказиш учун барча шароит яратилган. Ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширишга хизмат қиладиган тренажёр зали, стадион зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Фавқулодда вазиятларда қутқарувчилар зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг муваффақиятли ҳаракати нафақат касб малакаси, балки яратилган шароитларга ҳам бевосита боғлиқ. Мажмуада қутқарув отряди хизмати учун ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Ходимлар учун ҳар бири уч хонали 12 уй ҳам барпо этилган. Тадбирда уларга янги уйларнинг калити топширилди.

– Уйда барча замонавий қулайлик мавжуд, – дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ф.Омонов. – Болалар ўйин ва спорт майдончалари фарзандларимизнинг жисмонан бақувват улғайишида муҳим аҳамият касб этади. Мажмуа мактабгача таълим муассасаси ва умумтаълим мактаби яқинида жойлашган.

Мажмуада Бухоро шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимининг барча хизмат хоналарига эга биноси ҳам фаолият кўрсатади.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев сўзга чиқди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

# Юрт хизмати – олий шараф

**Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Жарқўрғон туманидаги маданият уйида "Миллий армиямиз – фахримиз, ғуруримиз" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

**СУРХОНДАРЁ** ВИЛОЯТИ

Унда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, ҳарбийлар ва уларнинг оила-аъзоларига яратилган шарт-шароитлар хусусида батафсил тўхталдилар.

Халқимиз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларда тинч ва осуда ҳаёт кечиришимизда миллий армиямизнинг ўрни беқиёс. Бугун Қуролли Кучларимиз Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб турган экан, демак, юртдошларимиз ишга, ўқишга хотиржам бориб келишади, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишади. Тинчлик барқарор жойда ободлик, бунёдкорлик бўлади. Шу боис, зиммасидаги шарафли бурчни сидқидилдан бажараётган, Ватанимиз сарҳадларини мардона ҳимоя қилаётган ҳарбийларимиз доимо халқимизнинг ардоғи ва эъзозидадир.

Ватан ҳимоячилари билан бўлган учрашув якунида байрамона концерт дастури намойиш этилди.

**Дилфуза ЖЎРАЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




**ҚАШҚАДАРЁ** ВИЛОЯТИ

бзавот, полиз маҳсулотларини қуритиш имконини беради.

Корхонада маҳсулотнинг сифатли тайёрланишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Лойиҳа самарасида кўплаб ёшлар

## ФЕРМЕР ЭКСПОРТНИ КЎЗЛАЯПТИ

*Китоб туманидаги "Гулгунпўш олмаси" фермер хўжалиги томонидан мевани қуритиш линияси ишга туширилди.*

– Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун қарийб 300 миллион сўм маблағ сарфладик, – дейди фермер Аминжон Мавлонов. – Сармоя ҳисобига хориждан замонавий қуритиш ускунаси келтирдик. Мазкур технология бир йилда 450 тоннага яқин мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини қуритиш имконини беради.

иш билан таъминланди. Тадбиркор келгусида тайёр маҳсулотни қадоқлашни йўлга қўймоқчи. Уларнинг асосий қисмини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ИССИҚХОНАДАН ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

*Сирдарё туманилик тадбиркор Бобораҳим Усмонов иссиқхонада помидор ва турли ошкўклар етиштириш мақсадида банкдан 39 миллион сўм кредит олди.*

**СИРДАРЁ** ВИЛОЯТИ

Кредит ҳисобига 10 сотихлик томорқасида мўъжазгина иссиқхона барпо этди. Парваришлашда интенсив технологияни қўллаётган миришкор иссиқхонада кўкатлар ва бодрингни қисқа муддат ичида етиштириб, харидорларга етказиб бераётир. Бу экинлардан бир йилда уч-тўрт марта ҳосил олаётганлиги туфайли 15-20 миллион сўм фойда кўраётир. Шунингдек, тадбиркор иссиқхонанинг ярмида помидорнинг тезпишар навини парваришлаб, синовдан ўтказмоқда. Айни қиш кунларида помидорлар пишиб етилаётир. Олинаётган соф даромадга помидордан кўриладиган фойда ҳам қўшилса, оила турмуш фаровонлиги янада ортади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН» ЁРЛИҒИ БИЛАН

*Марғилон шаҳридаги "Тексажен" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган кенг кўламли модернизация ишлари сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда.*

**ФАРҒОНА** ВИЛОЯТИ

Айни пайтда 100 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган ип-калава маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва юқори сифати билан харидорларга манзур бўлаётир. Мазкур жамиятда кунига 8 тоннага яқин ип-калава ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулотлар Россия, Хитой, Эрон ва Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

Марғилон енгил саноат ва туризм касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ ўқувчилари ҳар йили бу ерда амалиёт ўташмоқда. Жорий йилда корхонада янги лойиҳа асосида чойшаблар, болалар футболкалари ва пайпоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

